

ШАҲАРЛАР ВА ХАЛҚАРО АХБОРОТ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН 14/2-СОН ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“ ” 20 22 йил

“O‘zbekiston telekommunikatsiya tarmoqlarini boshqarish respublika markazi” davlat unitar korxonasi (“O‘zTTBRM” ДУК), бундан кейин “Ижрочи” деб аталадиган директор в.б. Шакиров У.А. томонидан, корхона Устави асосида иш юритувчи бир томондан ва “RWS” МChJ ХК бундан кейин “Бююртмачи” деб аталадиган, Башдир в.б. Наталатов 7.И. томонидан Нижом асосида иш юритувчи иккинчи томондан, биргаликда қайд этилганда “Томонлар” деб номланганлар мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Бююртмачи” кўрсатмасига биноан “Ижрочи” ўзгаришлар қабул қилинганида, шаҳарлар ва халқаро тармоқлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини олади:

- шаҳарлар ва халқаро кодлар;
- териш тартиби;
- телефон тармоғини рақамлашнинг аҳамияти;
- янги йўналишларни очиш;
- янги операторга кириш тартиби.

1.2 “Ўзбектелеком” АК ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида (МДХ) режалаштирилган ва режадан ташқари ишлар ўтиш тўғрисида хабар бериш.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 “Ижрочи” мажбуриятлари:

2.1.1 Шартноманинг 1.1-бандига мувофиқ, шаҳарлар ва халқаро тармоқлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлиши билан “Бююртмачи”га ахборотни қўллаб қувватлаш учун юқори сифатли даражада хизмат кўрсатиш.

2.1.2 Шаҳарлар ва халқаро тармоқлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда “Бююртмачи”га электрон шаклда узатиб бориш.

2.2 “Бююртмачи” мажбуриятлари:

2.2.1 Ҳар ойда бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида имзолаш.

2.2.2 Бажарилган ишлар долатномаси имзолангандан сўнг 7 (етти) иш куни давомида тўловни амалга ошириш.

3. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

3.1 Хизматларнинг нархи шартнома асосида Баённомага мувофиқ нархнома тўғрисидаги келишув билан белгиланади (шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-сон илова).

3.2 “Буюртмачи” шартнома тузаётганда 100 000 (юз минг) сўм олдиндан тўловни “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказди.

3.3 Кейинги тўловлар “Буюртмачи” томонидан бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура ва олдинги ой тўловининг 15 фоиз миқдоридан кейинги ой учун олдиндан тўлов ҳисоби асосида амалга оширилади. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг “Ижрочи” кейинги ойнинг 5 кунига қадар бажарилган ишлар далолатномасини тузади ва “Буюртмачи”га тақдим этади.

3.4 Хизматлар учун нархлар ўзгарган тақдирда, “Ижрочи” бу ҳақда “Буюртмачи”ни 15 (ўн беш) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда хабардор қилади ва мазкур шартномага янги нархнома бўйича қўшимча келишув билан шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-сон иловага янги таҳрирда Илова расмийлаштиради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Ахборот маълумотларини 10 (ўн) иш кунидан ортиқ ўз вақтида узатмаганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га ўз вақтида узатилмаган ахборот қийматидан 0,3 фоиз миқдорига жарима тўлайди, лекин бир ой давомида бажарилган иш ҳақининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдоридан жарима тўлайди, бунда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлардаги телекоммуникация тармоқларидан “Ижрочи” кечиктирилган маълумотлар учун жавобгар эмас.

4.2 Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси асосида тўлов учун ҳисобварақ-фактураси тақдим этилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк кунидан ортиқ муддатда кечиктирилган тўлов учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га ҳар бир кун учун 0,3 фоиз миқдоридан жарима тўлайди, лекин ҳисобварақ-фактураси тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Шартномаларни бажаришда пайдо бўладиган низоларни Томонлар музокаралар жараёнида ёки талабнома тақдим қилиш тартибига мувофиқ ҳал этади.

5.2 Талабномани кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

5.3 Томонлар бир битимга келишмаганда низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

5.4 Ушбу шартномада акс этирилган масалалар, шу жумладан Томонларнинг бошқа мулкӣ жавобгарлиги ва баҳсли масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Ўзбекистон Республикасининг шартномавий-ҳуқуқӣ асослари тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

7.5 Тарафлар шартномани тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши учун асос ушбу шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган ҳолатлар суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган бўлиши шартлиги тўғрисида келишиб олдилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1 “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ҳар бири ўз навбатида, ушбу Шартномани бажариш бўйича доимий мулоқот қилиш учун масъул шахсларни белгилайди.

8.2 Шартнома 2 нусхада тузилди ва тузилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан текширилган ва шартнома Томонларига 1-нусхада тақдим қилинган.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Ижрочи:

“O‘zbekiston Telekommunikatsiya Tarmoqlarini Boshqarish Respublika Markazi” давлат унитар корхонаси
(“O‘zTTBRM” ДУК)

Манзил: Тошкент шаҳри 100019
Олмозор тумани, Себзор даҳаси, 18-А-уй
тел: 71-240-53-52, факс: 71-240-53-49
х/р: 20210000800155268001
МФО: 00401
банк: Тошкент шаҳар
“Алоқабанк” АТ
СТИР: 200899276
ИФУТ: 61900
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан
ўтиш коди: 326090015932
E-mail: tmc@rtmc.uz
Веб сайт: www. rtmc.uz

Буюртмачи:

"RWS" МChJ ХК

Манзил: _____

тел: 000 «Rubicon Wireless Communication» факс: _____
х/р: _____
МФО: Чиланзарский р-н, ул. Гагарина, 40
банк: 2021 4000 6004 5792 7001
ОПЕРУ при ТГУ НБ ВЭД РУз МФО: 00451
ИИН: 201 501 439 ОКЭД: 61200
СТИР: _____

ИФУТ: _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан
ўтиш коди: _____

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Ижрочи:

“O‘zTTBRM” ДУК директори в.б.

_____ Шакиров У.А.
М.ў



Буюртмачи:

"RWS" МChJ ХК

_____ М.ў



2022 йил _____ даги
14/2-сон шартномага
1-сон Илова

НАРХНОМА ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

20__ йил _____ даги 14/2-сон Шартномага, “O’zbekiston telekommunikatsiya tarmoqlarini boshqarish respublika markazi” davlat unitar korxonasi (“O’zTTBRM” ДУК) “Ижрочи” ва “RWS” МСҲЖ ХК “Буюртмачи” ўртасида “Шаҳарлар ва халқаро ахборот маълумотларни тақдим этиш”.

Биз қуйидаги имзо чекувчилар, бир томондан “Ижрочи” “O’zbekiston telekommunikatsiya tarmoqlarini boshqarish respublika markazi” davlat unitar korxonasi (“O’zTTBRM” ДУК) вакили сифатида директор в.б. У.А. Шакиров ва иккинчи томондан “Буюртмачи” “RWS” МСҲЖ ХК вакили сифатида _____, биз томондан шаҳарлар ва халқаро алоқа тармоғидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича хизматлар учун Шартнома нархининг қиймати бўйича келишилганини тасдиқлаймиз.

Сатир нархи 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача ўрнатилади .

- Ҳар бир тўлик ёки тўлик бўлмаган сатр учун ҚҚС (15%) ни ҳисобга олмага холда – 6 302,39 (олти минг уч юз икки) сўм, ўттиз тўққиз тийин ;
- ҚҚС (15%) – 945,36 (тўққиз юз қирқ беш) сўм, ўттиз олти тийин ;
- Жами – 7 247,75 (етти минг икки юз қирқ етти) сўм, етмиш беш тийин, (ҚҚС 15% билан бирга) ;

Ижрочи:

“O’zTTBRM” ДУК директори в.б.

Шакиров У.А.



Буюртмачи:

“RWS” МСҲЖ ХК

